

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЗАСИНИ ОН-ЛАЙН РАСМИЙЛАШТИРИШ ПОРТАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Джафарова Нигина Алишеровна
Бухоро давлат университети
Ўзбекистан, 200100. Бухоро, М.Иқбол кўчаси, 11.
E-mail: nigina0603@mail.ru

Аннотация: Ушбу илмий мақолада электрон визаларни тақдим этишининг веб сайтлари таҳлили 3 та мамлакат мисолида ўрганилган ва уларнинг қиёси таҳлили олиб борилган. Ўзбекистон электрон виза тақдим этилиши портали бўлимлари ва унинг алтернатив тарзидағи ёрдамчи агентлик сайти кўриб чиқилган бўлиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича назарий тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: рақамли тафовут, рақамли туризм, электрон виза, анъанавий виза, ташриф пайтида виза, визасиз тартиб.

Abstract: In this scientific article, the analysis of sites for issuing electronic visas was studied on the example of 3 countries and their comparative analysis was carried out. Sections of Uzbekistan's e-visa portal and its alternative subsidiary agency's website were reviewed, and theoretical recommendations were made to address the deficiencies.

Key words: digital divide, digital tourism, e-visa, traditional visa, visa on arrival, visa-free regime.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармонида [1] “шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тафовутни камайтириш”, ҳамда “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегияси доирасида 2020 — 2022-йилларда спорт ва туризм соҳаларини рақамли трансформация қилиш” сингари устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

Саёҳатнинг ilk қадами бўлмиш, режалаштириш босқичида амалга ошириладиган энг биринчи вазифа, виза олишdir. Визалар халқаро саёҳатчилар сафарининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатга туристик оқимнинг кўплиги ёки камлиги ҳам айнан визалар олиш тизими билан узвий боғлиқ саналади. Шу сабабдан ҳам, ҳозирги кунда туристик оқимнинг ҳажмини ошириш ҳамда потенциал туристларни жалб қилиш мақсадида “визасиз” тартиб қўлланилмоқда. Айни тадқиқот иши, Ўзбекистон электрон визаларни тақдим этилиш веб портали амалда қўлланилишдаги аҳамияти ўрганилган халқаро тажриба асосида таҳлил қилишга бағишиланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистоннинг электрон виза сайти бундан олдин таҳлил қилинмаган бўлиб, мамлакатимизда мавзу доирасидан ҳеч қандай мақола, диссертация ва бошқа илмий ишлар ёзилмаган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқот олиб бориш учун хориж мамкалалари олимларининг электрон визаларини ўрганишга бағишиланган мақолалари, рақамли туризм ҳамда рақамли тафовутлар жабхалари ўрганилди.

Электрон визаларнинг туризм соҳасига таъсири тўғрисида Моҳаммад Нажим Абдулла, Риядҳ Жаббар Албаҳадили, Аҳмед Шамил Ноори [2], ҳамда туризм соҳасидаги электрон ҳукумат алоқалари доираси [3], рақамли ҳукуматнинг аҳамияти [4] ҳақида Надзея Калбаска Томасз Жаношски, Элса Эстевез, Лорензо Сантони каби хориж олимлари ўз илмий мақолаларида ёритиб берганлар.

Моҳаммад Нажим Абдулла, Риядҳ Жаббар Албаҳадили, Аҳмед Шамил Ноори [5] "Психологик нуқтаи назардан, электрон виза воситаси маълум бир йўналишларга саёҳат қилинишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса тегишли туристик йўналишларни қайта саёҳатни амалга оширишга олиб келиши эҳтимоли юқори" деган фикрни билдирганлар. Электрон виза дастури мамлакат чегараларининг яхлитлигини яхшилаш билан бирга, хавфи паст бўлган меҳмонларга кириш жараёнини соддалаштириди [2].

Надзея Калбаска Томасз Жаношски, Элса Эстевез, Лорензо Сантонининг "Қачон электрон ҳукумат туризм учун аҳамият касб этади: манфаатдор томонларнинг таҳлили" номли мақоласида давлат идоралари рақамли технологиялардан виза маълумотлари ва электрон виза дастурларини тақдим этиш орқали мамлакат ёки ҳудудга ташриф буюрувчилар тажрибасини яхшилаш учун фойдаланишлари тўғрисида белгиланган [3].

Ўзбекистонлик олимлардан О.Қ.Хуррамов, З.Т. Джураева иқтисодиётнинг рақамлашуви ва рақамли туризм [6] мавзусига бағишиланган изланиш ишлари олиб борганлар. Электрон визаларни олишда учрайдиган муаммолар рақамли тафовутлар кўринишларидан бири бўлиб, Н.С.Ибрагимов [7] илмий ишида Ўзбекистоннинг туризм соҳаси дестинацион рақобатбардошлигида "рақамли тафовут"нинг омили мазмуни ёритиб берилган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу илмий ишда электрон визаларнинг амалда қўлланилиши туризм соҳаси ривожида тутган ўрни бўйича фикр юритилган бўлиб, жаҳон статистика манбалари асосида масаланинг долзарблиги ёритилган. Ҳиндистон, Австралия, Сингапур, Тоҷикистон мамлакатлари e-visa порталларининг дедуктив таҳлили олиб борилган. Таҳлил қилиш жараёнида сайтнинг техник жиҳатдан фойдаланувчиларга мослиги, виза олишдаги қулайлиги каби асосий параметрлар ўрганилган.

Шунингдек, электрон визага эга бўлиш учун ариза билан ҳужжатлар топшириладиган Ҳиндистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон веб сайтлари қиёсий таҳлил қилиш орқали ютуқ ва камчиликларини инобатга олган ҳолда тадқиқот олиб борилган ҳамда уларнинг бартараф этилиши бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таҳлил ва натижалар

Рақамли технологиялар туризм соҳасига 2000-йилларнинг бошида Booking.com (меҳмонхона хоналарини бронлаштириш тизими [8]), ёки Airbnb (хона ёки уйни ижарага олиш тизими [9]) каби сайтларнинг ишга тушиши билан кириб келган. Туристик оқимни жалб этиш мақсадида мамлакат администрativ бўлими томонидан интерактив усуллардан тортиб, қонуний-норматив ҳужжатлар қабул қилиш сингари турли хилдаги чора- тадбирлар амалга оширилиб, улар ёрдамида ташриф буюрувчилар сонини янада кўпайтиришга эришилмоқда.


Рақамли асрда рақамли технологияларнинг барча соҳаларда кенг қўлланиб келиниши, айниқса туризм секторининш янада мукаммал бўлиши, серқирра ҳамда жозибадорлигини оширишда муҳим ҳисса қўшмоқда. Бироқ ривожланган

мамлакатларда рақамли технологиялар жадал суръатларда ривожланиб бораётгандылык билан бир қаторда, ривожланаётган ва ривожланған давлатларда рақамли тафовутлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Электрон виза эски усул ўрнига келган ўзига хос ноу-хаудир. Электрон визаларни фақатгина он-лайн олиш мүмкін. Яғни барча анкета ва ҳұжжатлар тармоқ орқали тақдим этилади. Бунда консул билан ҳеч қандай сұхбат амалга оширилмайды. Улар, одатта, туризм, қысқа мұддатлы ўқиш ёки профессионал сафарлар үчүн құлланилади.

Жаҳон Туризм Ташкилоти (ЖТТ – UNWTO) томонидан йиллик чоп этиладиган “Highlights” журналининг 2019 йил август ойидаги сонида виза енгилликларининг кучайиши бўйича маълумотлар тақдим этган бўлиб, унда қўйидагилар эътироф этилган:

- ташрифдан кейин олинадиган ва электрон визаларга талаб ортиши билан бир қаторда, анъанавий визалар олиниши қисқариб бормоқда;
 - анъанавий виза талаб қилувчи дунё ахолисининг нисбати 1980 йилдаги 75 % дан 2018 йилда 53 %гача камайди.



1-расм. Дунё аҳолисининг виза таъсири


Манба: International Tourism Highlights. 2019 Edition - <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284421152>

Дастлаб электрон визалар Австралияда құлланилған. Аста-секин, бу тизим башқа мамлакатларда хам татбиқ этила бошлади.

Хозирги кунда кўпгина мамлакатлар, шу қатори Ўзбекистонда ҳам электрон визалар тизимиға ўтилмоқда. Бу расмийлаштириш жараёнини ҳам элчихона, ҳам ариза берувчи учун осонлаштиради. Ариза берувчи фақатгина консуллик бўлими электрон почтасига сафарга тегишли ахборотларни юбориши, интернет орқали виза тўловларини амалга ошириши ва жавобни кутиши етарлидир. Электрон визалар қоғозидан фарқли равишда, анча тезроқ берилади. Бу визалар бўйича қарор қабул килувчиларга ахбротнинг тез етказилиши эвазига амалга ошади (2-расм).

Визага ариза ёки виза бериш муассасаси сайтига ариза берувчининг ўзи томонидан берилади (бу тизим Австралияда қўлланилади), ёки аккредитланган агент оркали (масалан, Сингапур мамлакати) тақдим этилмоқда. Одатда, мамлакатга

қилинадиган ташрифдан 72 соат олдин ариза топширилиши лозим ва пасспорт яроқлилик муддати камида 6 ой давомида тугалланмаслиги шарт.



2 – расм. Он-лайн виза олиш жараёни

Манба: Ҳиндистон электрон визалар тақдим этиш веб портали.

Электрон ресурс: <https://indianvisaonline.gov.in/visa/tvoa.html>

Кўпинча, он-лайн визалар минимал муддатларга, айрим мамлакатларда максимал 30 кундан, бошқаларида эса кўпи билан 90 кунгача тақдим этилади. Агар мамлакатга он-лайн виза олиш имконияти мавжуд бўлса, бу шу давлатга барча турдаги визаларни он-лайн олиб билиш имкониятини беради, дегани эмас. Айрим ҳудудларда он-лайн визалар турлари чегараланган.

Мамлакатда электрон визалар тизими қабул қилиниши, бу у ерга виза олиш осонлашади деган маънони англатмайди. Масалан, Австралия ушбу тизимга ўтган бўлишига қарамай, элчихонага тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар ҳалигача жуда кўп. Фарқи, тайёрланган ҳужжатлар элчихона электрон почтасига юборилишидадир.

Он-лайн жараёнларнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Кўпгина мамлакатларда электрон визалар пулли, улар мамлакатнинг белгиланган аэропортлари томонидангина қабул қилинади, шунинг учун ҳам маълумотларни олдиндан аниқлаш зарур.

Электрон визанинг устунлик жиҳатлари:

- паспортга ёпишириладиган виза ва орқасидаги муҳр ўрнига фақатгина кичик кириш ва чиқиш муҳрлари босилади, бу эса паспорт бетларининг тежалишига олиб келади;
- 72 соат ичida ариза юборувчининг почтасига қабул қилинганлик ёки қилинмаган тўғрисидаги жавоб келади. Демак, сафарга билет олиш ёки олмасликни 3 кун олдин билиш мумкин;
- виза тақдим этувчи шахслар билан тўғридан-тўғри кўришиш ёки суҳбатдан ўтиш керак эмас.

Мазкур жиҳатлари билан бир қаторда электрон визанинг камчиликлари ҳам мавжуд. Уларга қўйидагилар мисол сифатида келтириш мумкин:

- чегарада алоқа билан муаммо туғилиши. Шунинг учун ҳар доим виза тасдиғининг қофоз вариантидан бир нусха олиб юриш керак;
- айрим мамлакатларда бизнес-виза Интернет орқали берилмайди;
- электрон визанинг қофоз вариантини чиқариб олиш зарур, электрон қурилмалар орқали кўрсатиш таъқиқланган;

- баъзи давлатларда электрон визалар фақат ҳаво йўллари орқали ташриф буюрувчиларга тақдим этилади, агар саёҳатчи сув ёки ер орқали сафарни амалга оширса, улар визани белгиланган усулда олишлари керак;
- электрон визаликлар учун чегарарадан ўтишда ҳеч қандай алоҳида йўлаклар ёки навбатлар мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда кўплаб ташриф буюрувчиларни ўзига жалб қилаётган машҳур туристик жозибадор жойлардан бири бўлмиш Ҳиндистонда ҳам мазкур тизим кенг фойдаланишга жорий этилган. Унда “E-Tourist Visa” деб номланган тизим ҳукумат портал бўлмиш <https://indianvisaonline.gov.in/visa/tvoa.html> сайти орқали он-лайн визага ариза бериш мумкин (3-расм). 60 АҚШ доллари миқдоридаги тўлов амалга оширилгандан сўнг, 4 кун давомида ариза топширувчининг электрон почта қутисига 30 кунлик электрон виза юборилади. Тўловлар он-лайн тарзда амалга оширилади.



3-расм. Ҳиндистонда электрон виза тақдим этувчи портал

Манба: <https://indianvisaonline.gov.in/visa/tvoa.html>

Бу хизматдан бир йилда 2 марта фойдаланиш ва фақат белгиланган аэропортлардагина қўллаш мумкин. Улар: Дехли, Мумбай, Калкутта, Ченнаи, Тируванантапурами, Бангалор, Ҳайдаробод, Гоа ва Коччи шаҳарларида махаллий аэропортлар. 150 дан ортиқ мамлакатларга ўз эшигини очган бу мамлакатга максимал 30 кунлик он-лайн виза тақдим этилади. Қуйидаги шартларга жавоб берувчилар мазкур тизимдан фойдаланишлари мумкин:

1. Ҳиндистонга дам олиш, экскурсия, қариндош ва дўстлари билан кўришиш, қисқа муддатли тиббий даволаниш ёки иш бўйича сафар каби мақсадларда ташриф буюromoқчи бўлган халқаро саёҳатчilar.

2. Паспорт яроқлилик муддати Ҳиндистонга келишдан бошлаб, 6 ой муддат давомида тугамаслиги.

3. Халқаро саёҳатчilar қайтиш чипталарига ёки саёҳатни давом этириш учун бошқа чиптага ва саёҳат учун ўзлари билан етарлича маблағ олиб келишлари лозим, суммаси белгилаб қўйилмаган.

4. Дипломатик/расмий паспортларга рухсат берилмаган.

5. Ҳар бир киши шахсий паспортга эга бўлиши шарт, ота-она ёки турмуш ўртоғи ҳужжатлари билан олишга рухсат этилмаган.

6. “*International travel document*” соҳибларига яроқли эмас.


Қўшни мамлакатимиз саналмиш Тожикистанда ҳам 2016 йил 1 июндан бўён ушбу тизим қўлланиб келинмоқда. Электрон виза олишнинг расмий сайти

(<https://www.evisa.tj/>) ёрдамида ариза тўлдириш, тўловни амалга ошириш ва визага эга бўлиш каби З қадам орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, электрон визаларнинг ташриф пайтидаги виза шакли ҳам мавжуд бўлиб, портал ёрдамида ушбу турдаги визага эга бўлиш учун ариза бериш имконияти ҳам мавжуд.

Виза тўловини амалга оширган ва қониқарли жавоб олган мурожаат этувчи электрон почтасига электрон виза юборилади, у Тожикистон давлат чегарасини кесиб ўтишда кўрсатилиши лозим. Тожикистон Республикасининг электрон визаси 90 кун давомида амал қиласи, аммо унинг эгаси республикада 45 календарь кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Электрон виза муддати узайтирилмайди ва белгиланган муддат давомида республикани тарк этиш керак. Сайт қўлланилишга қулай ва носозликлардан холи.

Талабгорлар ўз визаларини электрон почта орқали керакли маълумотлар билан тўлдириб, кредит карта ёрдамида тўловни амалга оширгандан сўнг оладилар. Электрон визаларни олиш учун аризани кўриб чиқишга даъвогарлар халқаро миқёсда тан олинган электрон тармоқлар орқали электрон ишлов бериш учун 50 АҚШ доллари тўлашлари керак ва ариза рад этилган тақдирда, ушбу миқдор ариза берувчига қайтарилилмайди[10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПК-3836-сонли “Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириш тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига мувофиқ, 2018 йил 15 июлдан электрон визалар бериш тизими (<https://e-visa.gov.uz/>) ишга туширилган [11].



4-расм. Ўзбекистон Республикасининг электрон визаси расмий портал бош саҳифаси

Манба: <https://e-visa.gov.uz/>

Электрон виза Ўзбекистон Республикасига киришни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилган хорижий давлат фуқароларига берилади [12].

Асосий муаммолардан бири, виза олмоқчи бўлган фуқаро носозликлар туфайли маълумотлар киритиш майдончасини тўлдира олмайди, сабаби 1 босқич бўлган

фуқаролик, ҳужжат тури, виза шакли ва ташриф буюриш мақсади каби ахборотларни печат қилиб киритишни иложи ҳам, рўйхатдан танлаш имкони ҳам мавжуд эмас (5-расм).

Фуқаролик	Хужжат тури	Тип визы	Ташриф буюриш мақсади
Tuldiriлиши shart bулган mайдонча	Tuldiriлиши shart bулган mайдонча	Tuldiriлиши shart bулган майдонча	

5-расм. Ўзбекистон Республикасининг электрон визаси расмий портал e-visa учун мурожаат саҳифаси

Манба: <https://e-visa.gov.uz/application>

Ушбу ноқулайликдан, сайт электрон виза олиш учун ишлатишга яроқсиз, деган хulosага келиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг интерактив консуллик хизмати веб-саҳифаси ҳам мавжуд бўлиб, мамлакатимизга ташриф буюрмоқчи бўлган фуқароларининг консуллик масалалари бўйича саволларига жавобни тезлаштириш ва ёрдам беришга қаратилган. Саҳифада, Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналарига мурожаат этиб, консуллик хизматида тўлдириш талаб қилинадиган керакли сўровномаларни интерактив усулда бажариш хизмати ва бошқа хизматлар жойлаштирилган [13].

Сайтнинг асосий камчиликларидан бири унда қўйидаги талаблар [14] мажбурий этиб белгиланган.

- Фойдаланилаётган Интернет-браузер 128-битлик шифрлашни таъминлаши лозим;
- Windows Internet - браузеридан фойдалансангиз, унинг намунаси 7.0 ёки ундан юқори бўлиши лозим;
- Mozilla Firefox Internet – браузеридан фойдалансангиз, унинг намунаси 3.0 ёки ундан юқори бўлиши лозим;
- Opera Internet - браузеридан фойдалансангиз, унинг намунаси 10 ёки ундан юқори бўлиши лозим;
- Сайт маълумотларининг экранда тўғри кўриниши учун браузерга JavaScript дан фойдаланишга рухсат бериш керак;
- Тўлдирилган анкетани кўриш ва босмалаш учун компьютерингизда Adobe Acrobat Reader дастурининг 5.0 ёки ундан юқори намунаси ўрнатилган бўлиши керак.

Сайт интерактив эмас, фойдаланиш ноқулайликлар мавжуд. Юқорида келтирилган мисоллардан билиш мумкинки, бошқа сайтларга нисбатан қўлланиувчилар учун фойдаланиш имконияти чегараланган. Имло хатоларидан ҳам холи эмас, ваҳоланки расмий порталларда имло хатолари мавжудлиги, уларнинг ишончлилик дажасини туширади.

Хуласа ва таклифлар

Ўрганилган назарий ахборотлар ва хорижий давлатларнинг амалий фаолияти таҳлилидан олинган хуласалар натижасида мамлакатимизда электрон визаларни татбиқ этилишида таклиф этилаётган порталда камчиликлар бор деган хуласага келиш мумкин. Хорижий мамлакатлар тажриба асосида бериладиган асосий таклифлар қўйидагиларда ўрин олган.

1. Визаларга ариза қабул қилинишининг ягона дарча саналмиш, Ўзбекистон Республикасининг электрон визаси расмий портал e-visa учун мурожаат саҳифасидаги

камчилик ва хатоликлар бартараф этилиши лозим. Акс ҳолда, сайт фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Яъни маълумотлар киритиш майдончаларида танлаш ёки печат қилиб киритиш имкониятлари яратилиши лозим.

2. Windows Internet-brauzeri намунаси 7.0 ёки ундан юқори бўлиши лозимлиги, Mozilla Firefox Internet - браузери намунаси 3.0 ёки ундан юқори бўлиши лозимлиги, Opera Internet – браузеридан фойдалансангиз, унинг намунаси 10 ёки ундан юқори бўлиши лозим ёки бошқа белгиланган шартлар, ушбу хизматдан фойдаланишга эҳтиёжи бўлганлар сони кескин камайишига сабаб бўлиши, ёки қийинчилик туғдириши мумкин. Сайт яратувчилар ундан фойдаланувчиларнинг барча сегментларига мос бўлиши лозимлигини инобатга олишлари зарур. Сайтни фойдаланувчининг браузери, шахсий компьютерида ўрнатган Windows дастурининг эски авлодларига ҳам мослаштириши керак.

Юқоридаги таклифлардан келиб чиқсан ҳолда, электрон виза сайтидаги рақамли тафовутларни бартараф этиш қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга кўмак бўлади:

1. Мамлакатда турислар оқими ошиши.
2. Мавсумийлик муаммосининг олдини олиш
3. Рақамли туризм тармоғини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадирилари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармони.

1. [https://www.researchgate.net/publication/335685605 Impact of E-visas on Traditional Travel Authentication and Tourism](https://www.researchgate.net/publication/335685605_Impact_of_E-visas_on_Traditional_Travel_Authentication_and_Tourism)
2. Kalbaska, N., Janowski, T., Estevez, E., & Cantoni, L. (2017). When digital government matters for tourism. A stakeholder analysis. *Information Technology & Tourism (JITT)*, 17(3), 315-333.
3. Kalbaska, N., Janowski, T., Estevez, E., & Cantoni, L. (2016). E-Government relationships framework in the tourism domain. A first map. In *Information and Communication Technologies in Tourism 2016* (pp. 73-86). Springer, Cham.
4. [https://www.researchgate.net/publication/335685605 Impact of E-visas on Traditional Travel Authentication and Tourism](https://www.researchgate.net/publication/335685605_Impact_of_E-visas_on_Traditional_Travel_Authentication_and_Tourism)
5. Djuraeva Z. T., Khurramov O. K. Specialty of the usage of electronic marketing in tourism //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2015. – Т. 4. – №. 4. – С. 61-65.
6. Ibragimov, Nutfillo Salimovich (2020) "“DIGITAL DIVIDE” AS A FACTOR OF DESTINATION COMPETITIVENESS OF UZBEKISTAN’S TOURISM SPHERE," Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 12.
7. <https://www.booking.com/>
8. <http://www.airbnb.com/>
9. <https://www.tajembassy.ru/ru/konsulstvo/vizovye-voprosy/elektronnaya-viza-respubliki-tadzhikistan>
10. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=49>
11. <https://e-visa.gov.uz/>
12. <http://evisa.mfa.uz/consul/?page=main>
13. http://evisa.mfa.uz/evisa_uz/?action=default.php